O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 4 июль, шанба • № 52 (11.035) • Эркин нархда сотилади



- Ҳамкорликнинг нашидаси ҳамиша ўзгача завқли бўлади.
- "Турон" биносининг умумий кўриниши.
- Сутни қайта ишлаш цехида.

Даврон АҲМАД, Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

Ҳамкорлик риштолари

ЎНҚЎРҒОНДА "ТУРОН—97"

Қибрай туманида янги корхона тақдимоти

ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида туман ҳокимлигининг фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганлиги ва бунинг натижасида қувончли самараларга эришаётгани тўғрисида илгарилари ҳам газетамизнинг қатор сонларида мақолалар ёритилган эди.

Куни кеча эса Ўнқўрғон қишлоғида нафақат туман, балки вилоят иқтисодиёти тарихида ўзига хос из қолдирувчи яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон — Исроил—Америка лойиҳаси бўйича қуриб битказилган, бир кеча-кундузда тўққиз тонна сутни қайта ишлайдиган "Турон—97" масъулияти чекланган акциядорлик жамиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Корхона очилиши маросимига Исроил давлати саноат ва савдо вазири Натан Шаранский, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел жаноблари, вилоят ҳокимлиги, вилоят қишлоқ хўжалик муассасалари раҳбарлари ва республика "Бизнес фонди" вакиллари ташриф буюрдилар.

Тақдимот чоғида вилоят ҳокими Эркин Рўзиев қисқача нутқ сўзлади. у кейинги йиллар ичида Исроил, АҚШ давлатлари билан республикамизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши борасидаги иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланаётгани, хусусан, Исроил-Америка лойиҳаси асосидаги технологияга Ўзбекистонда, шу жумладан, вилоятимизда эътибор ортаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу технологияга мувофиқ Оққўрғон туманида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг чорвачилик комплексида сут, бринза, йогурт, сариёғ, пишлоқ каби 20 турдан кўпроқ юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда, деди у. Ўртачирчиқ туманида ҳам шундай корхона қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Айни пайтда ҳоким тақдимот иштирокчилари эътиборини уч мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этишига, вилоятнинг ҳар бир туманида сутни қайта ишлаш заводлари барпо этилишига қаратди.

Вазир Натан Шаранский, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел жаноблари ҳам нутқ сўзладилар. Улар мустақил мамлакатимиз билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, дўстлик ришталарини тобора мустаҳкамлашга шай эканликларини билдирдилар ва Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёсат бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш учун энг оқилона сиёсатдир, деб таъкидладилар...

Тасма қирқилгач, ҳамма корхона ичкарисига кирди. Олмониядан келтирилган ускуналарда ҳар хил сут маҳсулотларини пешма-пеш тайёрлаётган ишчилар билан меҳмонлар суҳбатлашдилар. Компьютер бошқарув хонасида ҳар бир сигирнинг "ақлли машина"да қайд этилган "таржимаи ҳол"и билан танишдилар.

Элчи ва вазир жаноблари фермерлар — Олим Ҳайитов, Тоҳир Эргашев, Исматулла Абдуллаев, Зиёд Умаров, Йўлдош Ортиқовлар ишидан, шунингдек, Исроил давлати элчихонасининг чорвачилик масалалари бўйича эксперт-маслаҳатчиси жаноб Матания Бен-Ор фаолиятидан мамнун бўлганликларини алоҳида қайд қилдилар.

Меҳмонлар тақдимотдаги ўзбекона иззат-икром учун вилоят ҳокимлигига миннатдорчилик билдирдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ГЕРБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

ЁЗНИ кўнгилли ҳордиқ чиқариш билан ўтказиш вилоятимиз мактаблари ўқувчилари учун анъанага айланиб қолган. Ҳозирги пайтда Бўстонлиқ, Паркент туманлари, Оҳангарон, Ангрен шаҳарларига ёндош бўлган сўлим масканларда минглаб болалар дам олиб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Шу йилнинг 2 июль куни барча оромгоҳларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинганлигининг 6 йиллигига бағишлаб "Гербимиз-фахримиз" мавзуида суҳбатлар ўтказилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан тайинланган мураббийлар мустақил мамлакатимиз рамзининг моҳияти, ундаги тасвирлар мазмунини хордиқ чиқарувчиларга тушунтириб бердилар.

Саид АҲМЕДОВ.

ҲАЙРЛИ ИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятимиз шаҳарлари, туманларида кичик ҳамда хусусий корхоналар ва деҳқон-фермер хўжаликларини барпо этиш ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Ўтган биринчи ярим йилликда 570 та шундай ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этиш назарда тутилган эди.

Амалда 611 та тузилди. Жумладан, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида 2 та хусусий савдо уйлари, қатор туманларда хусусий нотариал идоралар ва бошқа шунга ўхшаш корхона-ташкилотлар очилди.

Жорий йилнинг биргина иккинчи чорагида ҳам бу соҳада сезиларли ижобий силжишга эришилди. Шу даврда 328 та хусусий ва кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилиб, топшириқ анча ортиғи билан бажарилди.

Собир ҲАМИДОВ.

Вилоят ҳокимлигида

"КАМОЛОТ"ГА ЭЪТИБОР — ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Ёшлар тарбияси, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳисси ёшларни шакллантириш, лўнда қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистоннинг муносиб ворисларини вояга етказиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бугунги кунда бу масъулиятли ишни амалга ошираётган ташкилотлардан бири республика ёшларининг "Камолот" жамғармасидир.

Хўш, ёшлар жамғармасининг бу борада амалга ошираётган ишлари талабга жавоб беряптими? Кеча вилоят ҳокимлигида жамғарма вилоят бўлимининг фаолиятига шу нуқтаи назардан баҳо берилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Кўрилган масала юзасидан республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг бошлиғи Ёқубжон Турсунов ахбороти тингланди.

Албатта, жамғарма ташкил этилганидан буён кенг кўламли ишларни амалга оширди. Ёшлар билан ишлаш, уларни жамиятимизнинг фаол кишиларига айлантириш, айниқса, мустақил Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларни нафақат жисмоний, балки, маънавий баркамол қилиб вояга етказиш борасида эътиборга лойиқ ишлар қилинди. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бу муҳим вазифага айрим шаҳар ва туманларда етарли эътибор берилмаяпти. Хусусан, жамғарманинг Ўртачирчиқ, Пскент, Чиноз туманлари, Олмалиқ шаҳри бўлимларида иш жуда суст кетяпти. Айрим туман ва шаҳарларда ёш кадрлар билан ишлашга эътибор йўқ. Ёшларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмаяпти. Жамғарма таъсисчилари ёшлар ташкилотини маблағ билан таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси "Камолот" жамғармаси қуйи бўлимларининг ишини жонлантиришда ва кенг қулоч ёйдиришга салбий таъсир этмоқда.

Йиғилишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ёшлар ташкилотлари ишини жонлантириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда республика "Камолот" жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов сўзга чиқди.

БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва обрў-эътибори тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни ўрнатишга бўлган қизиқиши ортмоқда. Мустақиллик йилларида қатор ҳорижий мамлакатларда Ўзбекистон элчихоналарининг иш бошлаганлиги, айни вақтда республикамизда ҳорижий маданий марказларнинг фаолият кўрсатаётганлиги бунинг яққол исботидир.

Шунинг учун ҳам республикамиз Президенти ва ҳукумати ҳорижий мамлакатлар билан алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Хусусан, 1997 йил 26 майдаги "Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунга мисол бўла олади.

Шароит Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг вилоятларда ҳам бўлимларини ташкил этишни тақозо этмоқда. Кеча вилоят ҳокимлигида ана шу Кенгашнинг Тошкент вилояти бўлимини ташкил этишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг қотибияти раҳбари Равшан Саидов Кенгашнинг мақсади ва амалга ошираётган ишлари ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши Тошкент вилояти бўлимини тузиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди ҳамда бўлимнинг низоми тасдиқланди.

Вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши Тошкент вилояти бўлимининг раҳбари, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов бўлимнинг ижроия директори этиб тасдиқланди.

Йиғилишда, шунингдек, бўлимнинг тафтиш комиссияси ҳам сайланди.

Шундай қилиб, вилоятимизда янги ташкилот иш бошлади. Ўйлаймизки, у республикамиздаги сингари Тошкент вилоятининг ҳам ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқаларини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

УЧ ОМИЛ ТУФАЙЛИ

- ***Қибрайликлар 6700 тонна ғалла топшириб, режаларини барвақт бажардилар.***
- ***Ҳар гектардан олинган ҳосил 45 центнерданга тўғри келди.***
- ***Режага кўшимча 1000 тонна ҳосил топшириш учун кураш кетмоқда***

БУНДАЙ ютуққа қандай қилиб эришилди?

Энг биринчи навбатда деҳқонлар, мутахассислар уруғ танлашга катта эътибор бердилар. Иккинчидан, уруғлик сентябрь ойидаёқ сепиб бўлинди, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ғалла майсалари биринчи сувдан чиқариб олинди. Учинчидан, экин ҳар бир даланинг ҳолати, тупроқ шароитига қараб озиқлантирилди. Ўртача ҳар гектар ерга 700—800 центнердан минерал ўғит солинди.

Шунинг учун ҳам ҳосил мўл етилди. Экин майдонларининг ҳаммаси оилавий пудратчиларга бўлиб берилганлиги, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида хўжалик раҳбарлари, мутасаддилар шартномага қатъий амал қилиб, ғаллакорлар учун барча имкониятларни яратиб бердилар.

— Ўримда, — дейди туман ҳокими Мирзамашраб Куччиев, — тезкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳосилни қанча тез йиғиб олсанг, тарозидан шунча кўп ютасан: нобудгарчилик бўлмайди.

Бу қоидага ҳам қатъий риоя қилинди. Мавжуд комбайнлар унумли, тўхтовсиз ишлаб турди. Оқибатда ғалла тайёрлашда узилиш бўлмади. Бунинг учун имконият бор эди: Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга янгича ёндошилди. Барча хўжаликлардаги техника воситалари, уларнинг икки сменада ишлаши ҳисобга олиниб, ёқилғи-мойлаш материаллари олдиндан етарли равишда ғамлаб қўйилди. Комбайнлар тўла қувват билан ишлади. "Кейс" комбайнида ишлаган ака-ука Ҳусниддин ва Нуриддин Гималиддиновларнинг ҳар бири кунига 20 гектардан ҳосилни ўриб-янчиб бердилар. Режа 13 иш кунида бажарилди. "Лимонарий" жамоа хўжалиги ғаллакорлари биринчи бўлиб маррага етдилар. "Дўрмон", "Маданият", Турон Нормуҳамедов номли, "Темир қадам" жамоа хўжаликлари ғаллакорлари уйган хирмон ҳам салмоқли бўлди.

Уста ғаллакорлар сафи кенгайди. Йўлчи Эшонқулов, Зиём Садриддинов, Ислом Тоғаев, Ниғмат Йўлбарисов, Сарсенбой Бейсебоев, каби деҳқонлар ҳар гектардан 50—55 центнердан, "Байтқўрғон"лик Баҳодир Омонов оиласи эса энг юқори — 105 центнердан ҳосил олдилар.

Қибрайликлар қўшимча режаларини ҳам бажариш, ҳосилдан бўшаган майдонларга экиладиган такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш учун астойдил бел боғлаганлар.

Носир РИХСИЕВ.

Ғалла — 98

ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

Мустақиликка эришилган биринчи кунларданоқ олдимизга қўйган вазифалар орасида ватандошларимиз асрлар давомида орзу қилган фаровон, тинч-тотув ҳаётга эришиш, фарзандларимизнинг бахтини кўриш умидлари, ўзгалардан кам бўлмаган, ҳавас қилишга арзийдиган муносиб ҳаёт кўриш туйғулари, эзгу ва улуғ ниятларимизни амалга оширишда маънавий камолот сари интилиш, шу асосда барча элат ва миллатга мансуб кишиларнинг бошини қовуштириш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизни бирлаштириш мақсадлари алоҳида ўрин тутади.

Яқинда Президент ҳузурида бўлиб ўтган кенгаш мана шу сўзлар билан бошланди. Кенгашда мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган, анъанага айланган 9 Май байрами – Иккинчи жаҳон уруши тугаган кунни нишонлаш билан боғлиқ маросимлар ҳақида, бу йилги тадбирлар пайтида Президентимизнинг уруш қатнашчилари билан учрашувда билдирган фикрлари, шу фикрлар атрофида матбуотда баён этилган изоҳлар ва шарҳлар ҳақида сўз борди. Бу маросимларни ўтказиш ва уларга халқимизнинг ҳурмат-эътиборини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши якун топган кун эллик уч йилдирки, ҳам қувонч, ҳам армон туйғулари билан ёд этилади. Бу машъум урушда 50 миллион киши ҳалок бўлди, беҳисоб одамлар майиб-мажруҳга айланди. Она ватанимиз Ўзбекистонда ҳам бу уруш кулфатини тортмаган оила йўқ, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистонлик 450 мингдан зиёд йигитга жанг майдонларидан қайтиш насиб этмади. Улар ўз жасорати, шаҳид кетган жонлари билан башариятни фашизм вабосидан асраб қолишга унутилмас ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида уруш қурбонлари ва иштирокчиларига халқимизнинг муносабати тобора теранлашиб, холислашиб бормоқда. Бу тарихий санага сохта мафкуравий ёндашув барҳам топиб, **кўпроқ унинг маънавий жихатларига, асл моҳиятига ва аҳамиятига, урушда жон берган аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги амалий ишларга асосий ўрин берилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримовнинг бу масалага нақадар катта инсоний эътибор билан қараб келаётгани жамоатчиликка яхши маълум. Шундай бўлса-да, бу соҳада у кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан амалга оширилган ишларнинг айримларини санаб ўтиш жоиз: Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланган 1995 йилда Президентимиз фармонига кўра урушда иштирок этган ва фронт орқасида меҳнат қилган юз минглаб юртдошларимиз ҳукумат мукофотлари, туҳфа имтиёзлар билан тақдирланди. Шу йили яна бир савоб ишга қўл урилди: урушда қурбон

(Давоми 2-бетда).

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – БОШ ВАЗИФА

"ТОШВИЛОЯТЮКТРАНС" концернига қарашли 74-Тўйтепа автокорхонасида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси доимо эътиборда. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мунтазам ортиғи билан адо этиб келинмоқда. Белгиланган тартибга кўра, агар ишчи-хизматчилар тўй ёки маърака қилсалар, уларга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида моддий ёрдам берилади. Бундан ташқари корхона автомобили беминнат хизмат кўрсатади.

Рихситилла КАРИМОВ.

ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлган 450 минг аскарнинг исми-шарифи зикр этилган 33 жилддан иборат «Хотира» китоби нашр қилинди. Ҳар йили шу байрам арафасида Президентнинг махсус фармонига кўра уруш фахрийларини тақдирлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, урушда шаҳид кетган аждодларимизни, хонадонларимизнинг файзи бўлган дуогўй ота-боболаримизни жангларда кўрсатган мардлик ва матонати, тортган азоб-уқубатлари учун ҳар қанча ардоқласак арзийди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти бу байрамни **Иккинчи жаҳон урушида ҳалоқ бўлганларни хотирлаш, айни вактда ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларининг қадр-қимматини жойига қўйиш куни сифатида нишонлаш ғоясини олға суриб келмоқда.**

Бошқача айтганда, Президент 9 май байрамини шўровий дунёқараш, коммунистик нуқтаи назардан туриб дабдаба қилиш ўрнига унга бугунги реал воқелик кўзи билан қараб, унинг асл моҳиятини очиб бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳаёт талаби, мафкуравий сиёсатимиз, ёшларимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш мақсадлари шуни тақозо этмоқда. Бинобарин, бу байрамнинг маъно ва мазмунини, шаклини, тарғибот усулларини, бугунги турмушимиздаги ўрни ва аҳамиятини жиддий ўйлаб кўриш, бу хусусда бош қотириш зарур.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Турли миллат, турли элатга мансуб миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қони, тортган мислсиз азоб-уқубатлари эвазига эришилган бу ғалаба бугунги кунда айрим собиқ совет республикаларидаги бир тўда шовинистлар, сохта ватанпарварлар қўлида дастак бўлиб қолмоқда. Улар бу байрамдан СССРни қўмсаш, уни тиклашга уриниш, коммунистик «дориломон кунлар»ни қайтариш учун бир восита сифатида фойдаланмоқдалар. Бундай сиёсат остида қандай мақсад ва манфаатлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу тарихий санани сохта ақидапарастлар қўлидаги ташвиқот куролига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Бу, аввало, ўша қурбонлар хотирасига ҳурматсизлик, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Чунки энди замон, тараққиёт ҳаёт синовларига бардош беролмаган эски мафкурани кўтармайди. Хусусан, озодликка эришган мамлакатнинг истиқлол мафкураси бундай ёндашув билан асло муроса қилолмайди.

Агар шу ҳаётий хулосани тўғри англасак, деб уқтиради Президент, унинг негизидаги ҳақиқатга етиб борсак, 9 Майни урушда қурбон бўлганларни эслаш, уларнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш, ҳозир сафимизда ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари – ота-боболаримизга иззат-икром кўрсатиш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийларимизни қўлдан келганича асраб-ардоқлаш, яхши сўз билан кўнглини кўтариш, хурматини бажо келтириш, умрини узайтиришга ҳаракат қилиш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўйлайманки, бу аввало савоб. Қолаверса, ўзбекчиликка ҳам, мусулмончиликка ҳам мос келадиган иш бўлади, дейди Президент.

Шу йил 9 Май куни юртимиз раҳбари Мустақиллик майдонида жойлашган Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётганида матбуот вакилларига интервью берган эди. Интервьюда билдирилган баъзи фикр ва мулоҳазаларни қайта эсласак:

«Бу ерга келаётганимда, – деди Президент, – қаҳрамон шаҳарлар номлари ёзилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу номлар олтин ҳарфлар билан ёзилган. Албатта, уларга бу ном бекорга берилмаган.

Айни пайтда ўтган галги Ғалаба байрами кунида мана шу ерда айтган гапларимни яна бир бор такрорламоқчиман. Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб жон бераётганида ишончим комилки, шу шаҳарларни эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрларини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғларию дўст-биродарларини ўйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, ёруғ келажаги учун жон фидо қилганлар».

Моҳият эътиборига кўра биз ўрганиб қолган эски тушунча ва кўникмалардан буткул фарқ қилувчи бу ҳароратли сўзлар ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириши табиий, албатта.

Шу суҳбатда давлатимиз раҳбари Номаълум солдат қабри атрофини Хотира хиёбонига айлантириш ҳақида янги бир таклиф билдирди.

«Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалоқ бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, уларнинг ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлур эдик. Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини пойтахтимизнинг марказий майдонида абадийлаштиришимиз лозим».

Президентимизнинг чуқур ҳаётий мантиққа асосланган бу фикрлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ўша қонли жанггоҳларда ўлимларни доғда қолдириб шу кунларга етиб келган нуроний оталаримиз – уруш қатнашчилари бу таклиф юзасидан қизғин мулоҳазалар билдиришди.

«Юртбошимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез етиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари менинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди, – дейди Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳомбек Тўраев. – Жасорат кўрсатган, қурбонлар берган халқни ёдламоқ биз тирикларнинг бурчидир. Президентнинг Тошкентда Хотира майдони ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларимиз ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб ҳалоқ бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этиш тўғрисида билдирилган ажойиб фикрлари қалбимда олов ёққандай бўлди...»

«Президентимизнинг 9 Май куни чин юракдан айтган беҳад таъсирли сўзларини эшитиб кўзларимга ёш келди, – деб ёзади Боғот туманида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ уруш ногирони Оғабой ота Сотиболдиев. – Бизнинг биргина Боғот туманида урушга отланган йигитларнинг 1400 нафардан зиёди ўзга ўлкаларда шаҳид кетди. Биз тириклар ана шу сафдошларимизни, тенгқурларимизни, ёш авлод эса ота-боболарнинг номларини унутмасликлари керак. Хотира ёдгорликларида барча шаҳидларнинг номлари абадиятга муҳрланмоғи лозим...»

Яқиндагина саксон ёшли тўйини нишонлаган отахон адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовор:

«Одамзод онгли ҳаёт кечираётган замонлардан бери беш минг йил ичида ўн тўрт минг марта уруш кўрди. Бу қирғин-баротларда не-не давлатлар, элэлатлар, шаҳар-қишлоқлар йўқ бўлиб. миллион-миллион бегуноҳлар қирилиб кетди. Аммо шу урушларнинг бирортаси на кўлами, на унда қатнашган кучлар, кўрилган талофатлару қурбонлар жиҳатидан 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга тенглаша олмайди.

Бу урушда ўзбек халқи ҳам унинг барча даҳшатини татиб, жабри-жафосини тортди. Бевосита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб жон берса-да, бутун ўзбек халқи фронтча ишлаб, фронтча яшади.

Қадриабад одамларни ёдламоқ тириклар учун фарздир. Шу боисдан Президентимизнинг бу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман», – дея фикрини давом эттиради кекса адиб ва бўлғуси Хотира мажмуини миллий мазмун ва шаклда барпо этиш юзасидан ўз таклифларини баён қилади.

«Ислом Абдуғаниевичнинг биз – уруш иштирокчиларига кўрсатаётган доимий диққат-эътиборини доимо сезиб яшаймиз! – дейди яна бир уруш фахрийси И.Баликов. – Пойтахтимизда Хотира хиёбони ташкил этиш, унда урушда ҳалоқ бўлган барча ўзбекистонлик аскарларнинг номма-ном эсланиши – бу ниҳоятда олижаноб ғоядир. Бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга иш бўлиши шубҳасиз».

Куни кеча Президент ҳузурида бўлиб ўтган ўша кенгашда давлатимиз раҳбари яна шу мавзуга қайтиб, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар диққат-эътиборини пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мўлжалланган Хотира хиёбони қурилишини тезлаштириш масаласига қаратди.

«Савоб ишларни асло кечиктирмаслик керак, – деди Президент. – *Афсуски, бизда кампаниябозлик касали кучли. Баъзан эзгу мақсад билан бошланган ишларни ҳам кампанияга айлантириб икки-уч кун шовшув қиламиз-да, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Хотира хиёбони масаласида асло бундай бўлмаслиги лозим. Чунки бу барчамизнинг умумий ишимиз, умумий дардимиз. Бу хиёбон жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан тарбиявий аҳамият касб этадиган табаррук қадамжо бўлиб қолиши шубҳасиз».*

Сўнгра Президент бўлғуси ёдгорлик мажмуининг ғоявий мазмунидан тортиб меъморий ечимига қадар бўлган барча жиҳатларни аниқ-равшан тушунтириб, изоҳлаб берди.

«Ёдгорликнинг марказий қисмида Она ватан тимсоли акс этиши керак. Уруш туфайли беҳад қайғу-жафолар чеккан, фарзандлари доғида кўз ёшлари дарё бўлиб оққан мунис ва муштипар, мотамсаро Она сиймоси Ватан рамзини ифодалаши лозим. Унинг маҳзун қиёфаси, ғамгин нигоҳи чексиз аламини акс эттириш билан бирга одамзотни ҳушёрликка чорлайдиган, ҳеч қачон уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, уларнинг олдини олишга даъват этадиган маъно-мазмунига эга бўлиши керак.

Урушда қурбон бўлганларнинг номларини ўн тўртта рамзий Хотира китобига (Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг сони) зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиш зарур. Бу хотира китобларини бетакрор меъморий усул билан яратиш лозим. Токи уларда юртимизнинг ҳар бир вилоятига хос руҳ ва нафас ифодалансин. Хотира китоблари саҳифаларига «мангу олов» ёғдуси шуъла сочиб, қурбонлар ёдини нурафшон этиб турсин. Умуман олганда, ёдгорлик мажмуини барпо этишда ҳайкалтарошлар, меъмор ва дизайнерларимиз, қурувчиларимиз миллий руҳ, миллий шаклга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Биз шундай таъсирчан меъморий ансамбль яратишимиз керакки, бу муқаддас зиёратгоҳга таориф буюрадиган ҳар бир инсон кимлигидан, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳалқимиз асл фарзандларининг хотираси қаршисида ҳурмат бажо айлаб сукутга чўмсин, элим деб, юртим деб, ватандошларим деб, уларнинг бахту саодати деб олис жанггоҳларда шаҳид бўлган инсонлар хотираси билан бевосита дахлдорлик туйғусини ҳис эта билсин».

Президент ўз сўзида «номаълум солдат» тушунчаси хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

«Аслида, «номаълум солдат» дегани нима? У қандай маъноні англатади? Бу ибора русчадан олиниб, кўр-кўрона таржима этилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, унинг ўзбек тили табиатига ҳам, ўзбек халқи табиатига ҳам бегоналигини яққол сезиш мумкин. Негаки биз «номаълум» деганда кўпроқ ҳеч ким танимайдиган, ҳеч ким билмайдиган, зоти-зурриёдининг тайини йўқ кимсани тушунамиз. Аммо наинки фашизм вабосига қарши омонсиз жангларда жонини фидо этган салкам ярим миллион юртдошимизни «номаълум» деб ўтирсак! Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби, ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр ҳасрат бўлиб яшайди-ку! Уларнинг шу қаттол урушда ҳалоқ бўлгани маълум-ку! Қандай қилиб уларни бугун «номаълум солдат» деган мавҳум ибора билан атаб, ўзимиздан узоқлаштиришимиз керак? Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми!

Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган отабололаримиз, ўша даҳшатли уруш йилларида ҳалоқ бўлган, бир парча қорахат орқали хабар этилган аждодларимиз хотираси пойида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?

Менинг фикримча, уларни «номаълум» деб аташ фашизмга қарши курашда қурбон бўлган шаҳидлар хотирасига соя солади. Уларни гўёки бизга дахли, алоқаси йўқ бегона кимсаларга айлантириб қўяди. Шу сабабли бу иборани ўрнига «шаҳид аскар», «қурбон бўлган аскар» деган ибораларни ишлатсак, ўйлайманки, халқимизнинг миллий табиати, урф-анъаналарига хос ва мос иш тутган бўламиз.

«Номаълум солдат» қабри тепасига ёзиб қўйилган «Сенин исминг номаълум, жасоратинг абадий» деган сўзларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Йўқ, биз учун шаҳид юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум, ҳеч қачон унутилмагай. Биз уларнинг номи билан бирга жасоратини абадийлаштиришимиз лозим. Шунинг учун Хотира хиёбони бунёд этганимизда қаҳрамонликни, ватанпарварликни улуғловчи, халқимизнинг руҳиятига мос тушадиган, одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган таъсирли сўзларни топиб, ёдгорлик пештоқида абадий нақш этишимиз керак. Бундай сўзларни балки Алишер Навоийдан, балки Яссавийдан, балки муқаддас ҳадислардан топиш мумкиндир».

Инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдисиз яшай олмайди. Йиғилишда Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон берган қурбонлар, уруш баҳонасида мустамлака тузуми халқимиз бошига солган беҳисоб жабр-зулмлар ҳақида ҳам фикр билдирди.

«450 минг ҳалоқ бўлган аскар – бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалоқ бўлганларнинг сони, холос. Аммо жанггоҳларда асир тушиб фашист лагерларида жон берганлар, бедарак кетганлар – булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдири, хотираси билан ким қизиққан? Уларни ким икки оғиз илиқ сўз билан эслаган? Ёки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб, совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалоқ бўлган юртдошларимизнинг ҳисоб-китоби борми?..

Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-икром кўрсатиш биз – бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

Бу фоний дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳамиша ёдда сақлаш – халқимизга хос эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам Хотира хиёбони барпо этиш ҳақидаги юртбошимиз таклифи ва ташаббуси халқимиз, миллатимизнинг айни кўнглидаги иш бўлиши шубҳасиз. Энди енг шимариб, пок ният ва улуғ мақсадлар билан амалий ишга киришиш вақти етди. Президент таъкидлаганидек, сохта рамзлар эмас, **тирик хотира халкни бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади. Иродасини бакувват, иймонини бут қилади. Бўлғуси Хотира хиёбонига шу кадар катта эътибор бераётганимизнинг сабаби ҳам ана шунда.**

Ишончимиз комилки, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бу савоб ишдан четда қолмайди.

Хайриддин СУЛТОНОВ.
(«Халқ сўзи», 1998 йил, 24 июнь).

Акс садо

ТОЗАЛИК, ФАҚАТ, МЕҲМОН УЧУН ЭМАС

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 13 июнь сонида босилган "Кўча супуриш айбми?" мақоласини оила аъзоларимиз билан ўқиб, анча таъсирландик ва шу муносабат билан хонадонимизда билдирилган фикрлар хусусида редакцияга мактуб йўллашга аҳд қилдик.

Муаллиф қаламга олган мулоҳаза фақат "дом"да яшовчиларгагина эмас, балки ҳовли-жойли маҳаллалар, қишлоқлар аҳлига ҳам тегишли. Назаримда, ҳозир мақолада келтирилган Гулчеҳра кабилар кўпайиб, Дилнавоз сингарилар камайиб бораётганга ўхшайди. Қани энди бунинг акси бўлса.

Кўпгина касталиклар, хусусан, сариқ касаллиги озодаликка мана шундай бефарқликдан келиб чиқиши сир эмас. Энди ҳар куни тонгда 5—10 минут сарфлаб, кўча ва ҳовлисини супурувчи сингилларнинг қандай манфаат кўраётганликлари ҳақида ўйлаб кўрайлик. Биринчидан, улар эрта туришни ўрганишади, бу эса кунларнинг мазмунли, баракали бўлиши гаровидир. Тонг палласидаги ушбу жисмоний ҳаракат соғлиқни мустаҳкамлайди. Иккинчидан озодалик, саранжом-саришталик ён-атрофдагилар баҳри-дилини очади, таҳсинга сабаб бўлади. Ўз меҳнат маҳсулидан қониқиш, мамнунлик ҳиссини уйғотади.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Яқинда, Тошкентдан дўстларим меҳмонга келишди-ю, қўққисдан улардан бири шундай деб қолди:

— Пскентга бирор мартабали меҳмон келаяптими дейман, ҳамма ёқ ёғ тушса ялагудек тоза, саронжом-сариштa.

Бу гаплардан тўлқинланиб, фахр билан дедим:

— Илгарилари чиндан ҳам шундай эди, марказдан бирор мўътабарроқ амалдор келадиган бўлса, унинг кўнглини олиш ва дакки эшитмаслик учун кўчалар супурилиб, ҳаммаёқ тозаланарди. Энди ундай эмас. Туман ҳокими, халқимиз саъй-ҳаракатлари туфайли Пскентимиз, хусусан, маҳалламиз тобора озода ва обод бўлиб бормоқда. иншооллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлсин.

Газета муштарийларига эса, шундай деб мурожаат қилмоқчиман: ўз соғлиғимиз, покизалигимиз, халқимиз ор-номуси учун ҳовлимиз, кўчамиз, шаҳримиз ва юртимиз озодалиги учун курашайлик!

Ёқубжон РАҲМОНҚУЛОВ,
Пскент тумани.

ОЛТИН ИЗЛОВЧИЛАР

УЛАРНИ олтин изловчилар, деб бежиз айтишмайди. Шарқий Қурама геология-қидирув экспедицияси ишчи-хизматчилари неча ўн йиллардан бери замин остида ястаниб ётган турли-туман қазилма бойликларни, кейинги вақтларда эса айниқса, олтин маъдани заҳираларини қидириш билан шуғулланмоқдалар. Ангрендаги олтин саралаш фабрикаси учун зарур бўлган бундай хом ашёнинг янги конларини очмоқдалар.

Бу муҳим ишни янада кенгайтириш мақсадида экспедициянинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам оширилмоқда. Яқинда қўшимча иккита бурғилаш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Натижада 16 та янги ишчи ўринлари барпо этилди. Бурғилаш қурилмаларини ўз измига солган ишчилар биринчи кунларданоқ қудуқ қазишни жадал олиб бормоқдалар. А. Курдюмов, Н. Маъдиев, А. Абдураҳимов, В. Бенималар ҳар сменада топшириқни 120 фоизгача етказиб бажармоқдалар.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

"САНТЕХҚУЙМА"НИНГ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

Ниҳоят Оҳангарондаги "Сантехқуйма" ҳиссадорлик жамиятининг иши юришиб кетди. Бундан бир йил олдин хомашёсиз қолган завод ҳатто ёпилиш даражасигача етиб қолганди.

Корхона маъмурияти вазиятдан чиқишнинг йўлларини излаб, Россия ва қозоғистонлик хомашё етказиб берувчилар билан шартнома тузиб, етарли миқдорда чўян қуймаси, кокс ола бошлади. "Нефтьсервис" фирмасининг ёрдами ҳам ишни жонлантиришда қўл келди. Ишлаб чиқариш изга тушиб олгач Лихтенштейндаги "Уолдмаркет" фирмаси "Сантехқуйма"ни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Эндиликда завод икки хил ваннадан ташқари хариддоргир чўян қувурлар, турли хил сантехника асбоб-анжомлари ишлаб чиқараяпти. Унинг маҳсулотлари ниҳоятда хариддоргир бўлиб қолди. Корхона МДҲдаги мамлакатларда, жумладан, Қозоғистоннинг Остона, Қирғизистоннинг Ўш шаҳарларида, Россиянинг Олтой ва Шарқий Сибирь ўлкаларида ҳам дўконлар очиб, маҳсулотларини сотмоқда. Буюртма кўпайгани сари корхона кенгайиб боряпти. Яқинда яна 200 ишчи қабул қилиниб, жамоа сони 700 нафарга етди. Тез кунда заводда 1,5 минг киши ишлайдиган бўлади.

— Биз "Уолдмаркет" орқали Америка, Канада ҳамда Европадаги кўпгина фирмалар билан боғланиб, ўзаро ҳамкорликда ишлашга ўтяпмиз, — дейди "Сантехқуйма" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳмуд Холматов. — Бу эса жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчишимизга имкон беради.

Раҳим ҚОДИРОВ

---

4 июль — АҚШнинг мустақиллик куни

СЕҲРЛИ ДИЁР

Бугун ер юзида Американи билмайдиган одам камдан кам топилади. Гарчанд Америка дегани бус-бутун икки қитъани эгаллаган, мазкур заминда талайгина йирик мамлакатлар жойлашган бўлса-да, ушбу ном тилга олинганда, одатда, Америка Қўшма Штатлари тушунилади. Негаки АҚШ икки материк мамлакатлари ичида энг тараққий этган, ягона Америка тимсоли бўла оладиган давлат. Унинг хоҳ иқтисодий-сиёсий, хоҳ ҳарбий, қолаверса ижтимоий томондан равнақ топгани ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Шу боисдан бўлса керак, айни қўшма штатлик фуқароларга тегишли "Мен америкаликман" деган гап XX асрдаги машҳур ибораларидан бирига айланди.

Тарихдан маълумки, Америка замини аслида 1492 йилда омадсиз сайёҳ — Христофор Колумб томонидан "Вест Индия" номи билан дунё ҳаритасига киритилган. Кейинроқ эса италян сайёҳи Америго Веспуччи уни материк сифатида қайта кашф этган эди. Тарих китобларида Американинг "туғилиши" ҳақида шундай ҳикоя қилинади. Лекин, дунё тарихини битганлар уммон ортида шундай ер борлиги ҳақида бу кашфиётчилардан бир неча асрлар бурун етарлича илмий асосланган хулосаларини баён этган туронзамин фарзанди Беруний ҳақида негадир лом-мим дейишмайди. Шу боисдан севимли шоиримиз аждодлар ёдини қаламга олар экан "Колумбда алами бор"лигини яширмайди.

Америка Қўшма Штатларининг тараққиёт йўли ҳам бошқа давлатларники каби. Янги заминнинг кашф этилиши, янгидан-янги хўжайинлар, мустамлакачилик, мустақиллик учун кураш... Америка бир пайтлар Англиянинг "қовоғига қараб яшаган", дейилса, ҳозир ғалати туюлади. Ҳаёлдан эса беихтиёр замонлар нақадар ўзгарувчан, салтанатлар нақадар муваққат экани тўғрисидаги ўй кечади.

1776 йил январида АҚШда (Қўшма Штатлар бу даврда бирлашган колониялар деб юритиларди) "Соғлом фикр" памфлети эълон қилинди. Унинг муаллифи 1774 йили Англиядан Америкага келган Томас Пэйн эди. Муаллиф ўз асарида мавжуд монархия тизимини қаттиқ танқид қилиб, одамларни мустақиллик учун курашга чорлайди. Қўлма-қўл бўлиб кетган ушбу памфлет ўша давр жамиятидаги истиқлолга интилиш кайфиятини янада мустаҳкамлади. 1776 йил май ойида мамлакатнинг Англия ҳукмронлигидан ажралиб чиқиши тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Шу тариқа навбатдаги иш мустақиллик декларациясини расман қабул қилишга келиб тақалди. Таниқли сиёсий арбоб — Томас Жефферсон бошчилигида ўша йили мустақиллик декларацияси тайёрланди. 1776 йил 4 июлда қабул қилинган ушбу декларация фақат маъмурий янгиланиш эмасди. Ушбу ҳужжат билан бирга таъбир жоиз бўлса, Американинг янги авлоди ҳам туғилди.

Умуман, АҚШда янги авлод, деган гапга муносабат бошқача. Одамлар мисолидами, техника мисолидами фарқи йўқ. Билл Клинтон иккинчи бор президент лавозимига ўтирар экан, ўз нутқида янги замон, янги америкаликлар ҳақида тўлқинланиб гапирганини ёдимизда.

Бу "сеҳрли диёр"нинг сирлари чиндан ҳам кўп. Европаликларнинг қадами етмасдан бурун у ерда осуда ҳаёт ҳукм сурган. Бепоён кенглик, гўзал табиат, ўрмону тоғлар, зилол қўллар, ҳиндуларнинг урҳосию бизонларнинг ўкриги дегандай. Кейин уммон оша бу ерга янги одамлар, янги авлод келган. Уларнинг бари мол-дунё, давлат орттириш ҳисси билан ёнган, янгилик сари интилган, америкаликлар истилоҳи билан айтганда, саргузашт изловчилар эди, дейиш мумкин. Кейинчалик айни шу сабаб уларни ўзаро бирлашиб, мустақиллик учун курашга ундаган. Европанинг турли бурчакларидан йиғилган қавмият бирлашиб бир бутун давлат бўлган. Янги авлод билан бирга бу ерга техника ва тараққиёт, умуман, янги давр келди. Американинг ёши техника ёши билан баробар, деган ярми ҳазил ярми чин гаплар ҳам бекорга пайдо бўлмаган.

XX асрнинг биринчи ярмида АҚШнинг халқаро сиёсатдаги мавқеи тобора юксалиб борди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса у дунё саҳнасидаги асосий қаҳрамонлардан бирига айланди. Шу важдан бирор мамлакат қудрати ҳақида гап кетганда, уни Америка билан қиёслаш одат тусига кирди. "Американизм", "Америкача демократия" каби тушунчалар пайдо бўлди. "Нима бизга Америка", "Уни ҳадемай ортда қолдириб кетамиз", каби шеърий сатрлар битилгани ҳам ёдимизда.

Айни кунга келиб АҚШ саноат жиҳатидан тараққий этган, техника, илм-фан юксак даражада ривож топган давлатга айланди. АҚШнинг бугунги даражага чиқишида XX асрнинг биринчи ярмида ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатнинг табиий ресурслари, кулай коммуникация тармоғи каби соф иқтисодий омиллар асосий рол ўйнагани шубҳасиз. Мамлакат тараққиётида унинг нуктадон сиёсий арбоблари ҳам катта хизмат кўрсатган. Жаҳон аҳли Ж. Вашингтон, Т. Рузвелт, Ж. Кеннеди ва АҚШнинг кўплаб бошқа давлат арбобларини, улар қилган ишларни жуда яхши билади.

Мамлакат ташқи сиёсатида қайси йўналишларга асосий эътибор қаратилаётгани ҳақида гапиришга эҳтиёж йўқ. Шундай эса-да, давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг фикрларини эсга олсак. У котиблик фаолиятини бошлаганида АҚШ ташқи сиёсати ҳақида гапирар экан, дунёда демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларини асос қилиб олган давлатлар қанча кўп бўлса, америкаликлар учун шунча яхши, деган эди.

АҚШ XXI асрга ҳам сонсиз ютуқлар, янгиликлар билан кириб бораётир. Мамлакат президенти Билл Клинтон давлат раҳбари лавозимини иккинчи бор қабул қилаётиб, янги асрда биз янги Американи бунёд этамиз, дегани эътиборни тортади. Ўйлаб қаралса, бу шунчаки гап эмас. Кези келганда, Б. Клинтоннинг яна бир гапини айтиб ўтсак: янги асрда нафақат катталар, балки америкалик болалар ҳам Интернет тармоғида бемалол ишлаш имконига эга бўлиши керак. Аслида бу жуда катта режа, улкан меҳнат.

Ўзбекистон ҳам жаҳоннинг бундай ривожланган мамлакати билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда юртимизда "Ньюмонт голд", "Кейс", "Бат", машҳур "Кока-кола", "Проктэр энд гэмбл", "Каргил интерпрайзес", "Аиг трейдинг" каби кўплаб АҚШ фирма ва компаниялари самарали фаолият кўрсатаяпти. Улар билан қўшма корхоналар тузилган. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик равнақида тадбиркорларнинг алоҳида ўрни бўлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1996 йил АҚШга ташрифи чоғида америкалик тадбиркорларга қарата айтган гаплари ёдимизда: "Сиз улкан иш қилмоқдасиз. Энг ишончли ҳаракат доимо икки томонлама бўлади. Биз ана шу манфаатдорлик асосида Америка капиталининг Ўзбекистонга оқиб келиши учун эшикларимизни кенг очаяпмиз. Бу Ўзбекистон ва Америка халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга беқиёс имкониятлар яратади".

Ўзаро алоқалар таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқлари борасида ҳам самарали бўлаяпти. Ҳар йили юзлаб ўзбекистонликлар АҚШнинг турли ўқув дастурлари бўйича мазкур мамлакатда ўқияпти.

Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиянинг тузилгани ҳам муҳим иш бўлди. Унинг дастлабки мажлиси шу йил февралида АҚШда бўлиб ўтди. Комиссиянинг иш бошлашини Ўзбекистон Президенти ҳам, АҚШ раҳбари ҳам қизғин кутлади. Давлатимиз раҳбари икки томонлама комиссия фаолиятининг бошланишини давлатлараро муносабатларда мамлакатларимизнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиққанини кўрсатади, деб баҳолади.

Ўрни келганда айтиш керак, Америка билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга фақат биз ҳаракат қилаётганимиз йўқ. АҚШ ҳам Марказий Осиёнинг калити бўлмиш — Ўзбекистонга ўзгача иштиёқ билан интилаётгани рост. Бунга далилу исботлар эса истаганча топилади.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● АМЕРИКА Қўшма Штатларининг президенти Билл Клинтоннинг Хитой Халқ Республикасига қилган тўққиз кунлик сафари кеча ниҳоясига етди. Бугун у АҚШ мустақиллик куни миллий байрамида иштирок этади.

● ШИМОЛИЙ Ирландияда Миллий ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур мамлакат Миллий Ассамблеяси таркиби 108 депутатдан иборат бўлиб, унга 18 округдан вакиллар сайланди.

● ФАЛАСТИН мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўз вазирлар маҳкамасининг истеъфосини қабул қилди. Яқин икки ҳафта ичида янги вазирлар маҳкамаси тузилгунга қадар ҳозирги ҳукумат ўз вазифаларини адо этиб туради.

● ИСРОИЛ президенти Эзер Вейцман мамлакатда муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказилажаклигини айтди. У Б. Нетаньяху бошлиқ вазирлар маҳкамаси Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини эплай олмаётир, деб ҳисобламоқда.

● НАТО Бош котиби Хавьер Солана Косоводаги албанларни тез ва мустаснавий шарт асосида Югославия Федерацияси ҳукумати билан музокараларни давом эттиришга даъват қилди.

● 6 ИЮЛЬ куни Москвада Қозоғистон президенти Н. Назарбоев билан РФ президенти Б. Ельциннинг учрашуви бўлажаклиги эълон қилинди. Сентябрь ойида эса Б. Ельцин Қозоғистонга сафар қиладиган бўлди.

● ШИРИ-ЛАНКА ҳарбий қўшинлари билан "Тамиль Илам" — Озодлик йўлбарслари жангарилари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар оқибатида яна 266 киши ҳалок қилинди. Жанглар Манкулам шаҳри атрофида бўлди.

ОРОЛ ДЕНГИЗИГА — 12,2 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

МАЪЛУМКИ, Орол денгизи атрофидаги атроф-муҳитнинг бузилиши сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларни ташвишга солиб қўймоқда. Марказий Осиё республикалари, шунингдек, айрим хориж давлатлари Орол денгизини соғайтириш учун қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошира бошладилар. Зеро, собиқ Иттифоқ даврида Орол денгизи сув манбаларидан нооқилона фойдаланиш туфайли бу ерда минтақавий инқироз вужудга келган эди.

Яқинда Жаҳон Банки Орол Денгизи Ҳавзасини Ривожлантириш дастури доирасида Халқаро Экологик Жамғарма томонидан ажратилган 12,2 миллион доллар ҳажмдаги грантни тасдиқлади. Бу хайрли иш Орол денгизи табиий имкониятларини бошқатдан тиклаш ҳамда сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш мақсадларини кўзда тутади. Истиқболда атроф-муҳитни мўътадиллаштириш, Орол денгизига туташ минтақалардаги майдонларга қайта ҳаёт бахш этиш, халқаро сув манбаларини бошқаришни такомиллаштириш, минтақавий институтлар яратиш имкониятлари қидириб топилади.

МУКОФОТНИ КИМ ОЛАРКИН?

1997 ЙИЛ 12 ноябрида Покистоннинг Карочи шаҳри яқинида катта фожеа содир бўлган эди. "Шератон" меҳмонхонасидан эрталаб кичик автобусда йўлга чиққан "Юнион Тесас Петролеум" компанияси ходимлари — Ефраим С. Эгбу, Жоел Б. Энлоу, Уильям Л. Женнигс ҳамда Трейси Л. Ритчилар компаниянинг бош қароргоҳига кетаётганда номаълум кимсалар томонидан отиб ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар ҳаммани лол қолдирган эди. Покистон полициячиларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бошқа идораларининг астойдил ҳаттиҳаракатига қарамай, ҳамон қотиллар аниқланмай келинмоқда.

Куни кеча АҚШ давлат департаменти террорчилар ҳақида батафсил маълумот берган кишига икки миллион доллар миқдорида мукофот берилажаклиги тўғрисидаги хабарни тарқатди. Ахборот берилиши мумкин бўлган маҳфий телефонлар эълон қилинди. Бу катта мукофотни ким оларкин?

САВОБ ИШГА ВАҚТ ЙЎҚМИ?

ҲАР БИР ДИНДА инсонларни сўнгги йўлга кузатиш — дафн маросими ҳайрли ва савобли амаллардан бири ҳисобланади. Аммо 1918 йилда Екатеринбург шаҳри яқинида маҳфий равишда отиб ташланган Россиянинг сўнгги подшоси Николай II, унинг оила аъзолари ҳамда аъёнлари тақдири яқин-яқинларгача сир бўлиб келди.

Лекин, бир неча ойлар муқаддам Николай II ва унинг шериклари мурдалари деб тахмин қилинган суяк қолдиқлари топилди. Улар "мана-ман" деган халқаро текширув лабораторияларида замонавий кўрикдан ўтказилди. Тахминлар тўғри чиқди. Сўнгги подшо ва унинг шериклари жасадлари қолдиқларини дафн этиш комиссияси расмий маъракани шу йил 17 июлда Санкт-Петербургда ўтказишга қарор қилди.

Лекин кейинги кунларда одамлар Россия Православ Черкови Патриархи Алексей II ҳамда РФ президенти Борис Ельцинларнинг мазкур дафн маросимида қатнашмасликлари тўғрисидаги хабарни эшитиб, ҳайрон қолдилар. Миш-мишларга қараганда, черков жамоаси қолдиқлар подшоҳга тегишлими ёки йўқми, деб гумон қилаётган эмиш. Президентнинг эса вақти чекланган, деб ҳисобланмоқда.

Бу баҳоналар куракда турмайди, патриарх ва президент дафн маросимида иштирок этишлари лозим, деган ўй-мулоҳазалар тобора кўпаймоқда. Патиарх ва президент бу мулоҳазаларга қулоқ соладими, йўқми, буни яқин келажак кўрсатади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● АҚШда Грегг Стебен ва Жим Мориснинг "Маҳфиёна Оқ йўл ҳақида" деб номланган китоби чоп этилди. Унда АҚШ тарихида сайланган президентларнинг айрим ғаройиб "қиликлари" ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Жумладан, Улисс Грант шифокор олдида "ўлса ҳам" ечинмас экан. Франклин Делано Рузвельт ҳардам хаёлроқ бўлган. У бир марта Британия қироли оиласини меҳмондорчиликка чақириб, кўчада сотиладиган "Хотдог" — ичак-ўпка-бурундан қилинадиган сосиска торттирган экан. Дуайт Эйзенхауэр рассомчиликка ихлос қўйган. Лекин, ўзи чизишнинг уддасидан чиқмаган. Бировлар расм тархини чизаркан, президент эса бўяр экан. Ричард Никсон шифохонада оқ халат кийиб юраркан. Лекин, ҳар гал орқа боғичларни боғлашни унутаркан. Линдон Жонсон кечаси саройда юриб, ёниб қолган чироқларни ўчирган. Жеймс Картер эса ўзи билан бирга овқат еганлардан таомга пул тўлашни талаб қилган.

● ЛЕНИНГРАД ҳарбий округи мотоўқчи полкининг Печенга шаҳри ҳибсхонасида ўтирган оддий аскар А. Морозов икки йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. У жазо ўташ жойига жўнатилишдан олдин қочишни ният қилди. У пайт пойлаб, қоровул А. Алешинга ташланди, автоматни эгаллаб олди. Бошқа хонани очиб, ўзига ўхшаган маҳбуслар — А. Мелевич, Р. Баталов ва М. Наумовларни озод қилди. Зум ўтмай бутун соқчилар қуролсизлантирилди. Уч автомат ўлжа қилинди. Йўловчи автомашина тўхтатилиб, қочоқлар рулга ўтирдилар. ...Уларни қидириш узоққа чўзилмади. Эртасига Заполярья қўрғонидаги ташландиқ уйда яшириниб ётган қочоқлар аниқланди. Изқувар ҳарбийлар билан бўлган отишмада икки йигит ҳалок бўлди, икки нафари эса қўл қўтарди.

● ЛАТВИЯНИНГ Лиепае шаҳрида жойлашган кема таъмирлаш заводи ишчиларига 30 тонна бепул банан тарқатилди... Одамлар бу неъмат маош ўрнига эканмикан, деб хавотирландилар. Кейин маълум бўлишича, соҳилда турган кемани тезда таъмирлаш лозим бўлиб қолган экан. Лекин, унинг ичидаги 60 тонна маҳсулот бузила бошлаган. Амаллаб 30 тоннаси завод ишчиларига, қолган 30 тоннаси эса ахлатхонага жўнатилган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Уйингиздан бахт аримасин». Премьера.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Ёзувчилар — болаларга». Э. Раимов.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Подшо Пётр арабни уйлантиргани ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
12.05 «Шаҳар — бедарвоза эмас...».
12.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
13.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
13.35 — 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «От». Мультфильм.
18.20 «Ўзбекистон қаҳрамонлари». Холхўжа Умаров.
18.40 «Олам ва одам».
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Равшан Комилов қуйлайди.
22.05 «Қонун ва биз».
22.40 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-кўй.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларидан». Телесериал.
19.00 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 Экранда, премьера. «Таггер». Телесериал (Шотландия).
22.10 15 дақиқа спорт ҳақида.
22.25 «Даракчи»(рус тилида).
22.35 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Юрган дарё».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ. «Тўққиз ой».
*
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.40 «Кулолчилик санъати». Телефильм.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «М. М. шоу».
22.00 «Ғуноҳи кабир». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Умид».
19.45 «Жаҳон».
20.05, 21.35 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ҳаёт карвони».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф. «Тўй айбдор». Бадиий фильм.
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Кўшиқ билан бошланар тонгим». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Музробот ва музроботликлар». Премьера.
9.40 «Рақс, рақс, рақс...»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Болалар учун. «Мактублар-кабутарлар».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Олам ва одам».
12.25 — 14.00 Кундузги сеанс. «Ой—44». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бизнинг озиз боболар».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Дардингизни олай...».
18.45 «Чорраҳа».
19.00 «Оиламиз оҳанглари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ташрифдан сўнг. «Норин истиқболи».
21.30 «Акс-садо».
22.00 «Келин-қуёв». Телешоу.
22.50 «Ахборот».
23.15 Санъат усталарининг концерти.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 Ёвойи ҳайвонот олами.
19.10 «Тошкентнома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Очун».
20.15 «Исмлар тарихи».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.25 «Кундалик».
22.35 Кинонигоҳ. «Толиққан отларни отиб ташлайдилар, тўғри эмасми?!» 1-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Мутаҳассис».
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.05 Шарқ киноси: «Тижоратнинг фожиали оқибати». Бадиий фильм.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Ўйингоҳ».
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.20 «Тасвир—98».
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
20.45 «Очиқ дарс».
21.05 «Моҳир».
21.25 Телефакт.
21.35 Хит-коллекция.
22.00 «Қувноқ кино».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзгани ёр этма ҳеч». Мусиқий дастур.
8.45 «Бокира туйғулар».
9.05 «Мунавваркори». «Ўзкинохроника» премьераси.
9.20 «Озод ва обод юрт».
9.35 «Ҳайр, боғчажон!»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
*
12.05 Ўзбек қуйларидан концерт.
12.30 «Акс-садо».
13.00 «Жонсарак». Мультфильм.
13.10 «Келин-қуёв». Телешоу.
14.10 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.30 «Инновация: Замон ва жараён».
18.45 Бир жуфт қўшиқ.
18.55 «Соя—XXI аср маҳсулоти».
19.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ёшлар» телеканали
1. «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
2. «Санъат дўстликка чорлайди». Юлдуз Усмонова — Голландияда.
*
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
23.50 «Ахборот».
00.15 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 21-кўй.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Ҳонадон».
20.15 «Қулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд».
21.30 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Кўзгу».
22.40 «Даракчи».
22.50 Кинонигоҳ. «Толиққан отларни отиб ташлайдилар, тўғри эмасми?!»2-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чепионати. Ярим финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Нишондаги полициячи». Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Дунё ва болалар».
21.05, 23.10 — Эълонлар.
21.10 «Морена Клара». Телесериал.
21.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.15 «Мезон».
22.30 «Автосалтанат».
22.40 «Дурдаршан».
23.10 Олтин хазина. А. Навоий «Искандар» спектакли. 2-қисм.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Оналарга тутманг осон...». Мусиқий дастур.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.20 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
9.40 «Ўшалмаган орзулар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.30Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Физика.
*
12.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
12.25 «Хирмон тўлиб, тўкилди дон».
12.45 «Девқомат ва булут».Мультфильм.
12.55 Кундузги сеанс. «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10 — 14.30 «Оила ва жамият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қалб минбари».
21.20 «Ер келади, кўзлари хумор келади». Мусиқий дастур.
21.50 «Тафсилот».
22.15 «Somon йўли».
23.15 «Ахборот».
23.40 — 23.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Жажжи давра».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.30 «Сир».
21.50 «Даракчи»(рус тилида).
22.00 «Мутойиба».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Оилавий экран.
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20—20.40
РЖТ
*
20.40 «Долзарб репортаж».
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ишонч телефони».
21.50 Оскар совриндорлари: «Шамолларда қолган ҳисларим». (1940 йил) Бадиий фильм. 1-серия.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «02» тўлқинида.
19.20 «Минг бир маслаҳат».
19.30 «Жаҳон музейлари». «Вангок».
19.45, 21.25 — Эълонлар.
19.50 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.35 «Ҳаммаси мода ҳақида».
20.55 «Каталог».
21.05 Мусиқий Олимп.
21.30 Киносалон.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 10

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик тароналар.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
9.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
9.45 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Томчи».
11.40 «Халқ ижодиёти».
12.05 «Жараён». Тележурнал.
12.30 Кундузги сеанс. «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45—14.00 «Мезон».
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Парвоз». Халқаро аэрокосмик мактабининг 10 йиллигига. 18.35 «Ўтмишдан садолар».
18.50 «Фермер». Телетанлов.
19.10 «Ранглар жилоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Халқ ҳофизларининг концерти».
22.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
22.50 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури
23.15 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.35 «Экранда — Дэвид Копперфилд».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадамлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.05 Кинонигоҳ. «Трюклар устаси».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
6.30—8.00, 17.20—20.35
РЖТ
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Оскар совриндорлари: «Шамолларда қолган ҳисларим» (1940 йил). Бадиий фильм. 2-серия.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Таъзим».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.55 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ўй остонадан бошланади».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 11

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 Ойбек. «Оқшом маликаси». «Ўч» достони асосида видеофильм.
10.15 «Ёшлар» телеканали.
1. «Сиз ва биз».
2. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
3. «Ўзбекистон аскарлари».
4. «Орзулар қанотида».
5. «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
* * *
12.05 «Зиёрат».
12.15 «Уйла! Изла! Топ!». Телебеллашув.
12.55 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.25—14.30 Кундузги сеанс. «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.50 «Оила». Тележурнал.
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
22.15 «Мусиқий саёҳат».
22.35 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 3-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. III ўрин учун.
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «У ким? Бу нима?».
8.15 Урдубодий. «Беш сўм...» Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
9.10 Спорт қитъаси.
9.35 «Сўз ва соз оҳанглари».
10.05 «Кинотақдим».
10.25 «Лавжой». Телесериал.
11.15 «ТВ ва театр».
11.30 Болалар экрани.
13.00 «Франция-98».
13.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
14.35 «Жозиба».
14.55 «Дубляж».
15.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.00 «Гиннес» шоуси.
16.30 «Онагинам».
16.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.35 «Ёрилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Боланинг тили.
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бизнес академия».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Кинонигоҳ. «Буқаламун».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. III-ўрин учун. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.35 Эълонлар.
«ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ» телекўрсатувлар дастури соат 20.40дан намойиш этилади.
*

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Бу ажиб дунё».
11.35—12.00 «Спектаклдан сўнг».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсен».
21.10 «Тақдирлар».
21.35 «Осиё монитори».
22.00 Киносалон.
23.40 Хит коллекция.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЕШЛАР» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Пўлат тулпорлар».
3. «Сочининг савдоси тушди».
4. «Ёшлар ва эстрада».
* * *
12.20 «Санъат олами».
12.40 «Ҳазрати Инсон».
12.55 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
13.55 «Чоликуши». 7 қисмли бадиий фильм. 7-қисм.
14.45 — 15.35 «Оталар чойхонаси». Мусиқий- дам олиш дастури.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ёмад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ ва куйлари. I Республика танлови ғолибларининг концерти.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Якшанба ,оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
«Аср муъжизаси» кинодастури.
21.55 Кино янгиликлари.
22.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.35 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 4-қисм.
23.40 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал.
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
8.20 Урдубодий. «Беш сўм». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
9.10 «Бизнес академия».
9.25 Экранда, премьера. «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади...»
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 Эстрада тароналари.
11.45 Болалар экрани.
13.25 «Франция-98».
14.05 «Нигоҳ».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 Жаҳон халқлари эстрадаси.
15.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.15 «Нафосат».
16.25 «Қалб таронаси».
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Титаник сири». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Жараён».
19.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 Келгуси ҳафтада.
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Изҳор».
22.35 Якшанба кинозали. «Экстерминатор».
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.50 «Цирк, цирк, цирк!»
*
17.20—23.10
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
23.10 Эълонлар.
23.15 «Ҳунарли хор бўлмас». Телекўрсатув.
23.35 — 00.05 «Таҳлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!»
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 — Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 Мусиқий Олимп.
14.20 Клип—антракт.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари

ҚИЗИҚИШ БИЛАН ТОМОША ҚИЛИШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида тадбир доирасида "Тожикистон тасвирий ва безакли-амалий санъати" кўргазмаси очилди. Унда тожикистонлик мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошлари, халқ ҳунармандлиги вакилларининг турли йилларда яратган уч юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда. Сабзали Шарипов, Суҳроб Қурбонов, Валимат Одинаев, Ян Маматқулов каби рассомларнинг тасвирий ва амалий санъатнинг барча жанри ва тури бўйича яратган асарлари айниқса қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон маданият ишлари вазири Ҳайрулла Жўраев, Тожикистон маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Кўзиев сўзга чиқиб, бундай тадбирларнинг ўтказилиши иккала мамлакат ижодкорлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларида.

В. ПОРТНОВ суратлари.

ИЖОДКОРЛАРНИНГ САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАРИ

Мамлакатимизда ўтаётган Тожикистон Республикаси кунлари дастури ғоят бой ва ранг-барангдир. Тадбирда дўст мамлакатдан иштирок этаётган икки юздан кўпроқ санъаткор, шоиру ёзувчи, рассому халқ ҳунармандлари вакиллари пойтахтда ўтказилаётган турли учрашув ва кўргазмаларда ўзбекистонлик биродарлари билан ижодий мулоқотда бўлмоқда.

● ЎЗБЕК ВА ТОЖИК киночилари ҳамкорлиги узоқ йилларга бориб тақалади. Республика Киночилар уйида бошланган тожик фильмлари ҳафталиги бунинг яна бир ёрқин далили бўлди. Меҳмонлар ўзлари билан таниқли ўзбек режиссёри Комил Ёрматов йигирманчи йиллар охирида Тожикистонда яратган — "Мухожир" ("Эмигрант"), шунингдек, "Шоир тақдири", "Судхўрнинг ўлими" бадиий фильмлари ва "Темирчи Қова", "Ойни ёритган дарё" мультфильмларини олиб келишган.

Тадбирни "Ўзбеккино" давлат акциянерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов очди. Тожикистон кинематографчилар уюшмаси раиси Тоҳиржон Собиров, Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов иккала халқ киносанъаткорларининг азалий ҳамкорлиги тўғрисида сўзлаб, янги фильмлар яратишда ана шу яхши анъанани ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

* * *

● РЕСПУБЛИКА байналминал миллий-маданий марказига ташриф буюрган бир гуруҳ тожикистонлик меҳмонлар гулдасталар билан кутиб олинди. Бу ерда икки халқ адабиёт, санъат, маданият арбобларининг самимий учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов тожикистонлик биродарларига ўзбекистонлик адиблар фаолиятидаги янгиликлар тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашувда қатнашган академик Иззат Султон, адибу шоирлар — Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Жуманиёз Жабборов, Назармат, Муҳаммад Юсуф тожикистонлик ҳамкасблари Мўмин Қаноат, Юсуф Акобиров, Ўлмас Жамол, Фарзона ўртасида дўстона мулоқот бўлиб ўтди. Давра суҳбатида азалий ижодий ҳамкорлик ва анъаналарни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

* * *

● "Туркистон" саройи фойесида очилган "Тожикистон — мустақиллик йилларида" номли фотосуратлар, китоб ва этнография кўргазмаси пойтахтликларда катта қизиқиш уйғотди. Фотосуратларда Тожикистонда амалга оширилаётган ишлар акс эттирилган бўлса, турли китобларга эса биродар халқ ижодкорларининг сўнгги йилларда яратган асарлари жамланган. Шулардан бири таниқли адиблар Жалол Икромий ва Ҳабибулло Назаровнинг "Сафармахсум саргузашти" номли ҳажвий романидир. Уни тожикчадан Абдужаббор Мўминов таржима қилган.

Китоблардан яна бири "Қуёш остонаси" деб аталади. Тўпламдан Мўмин Қаноат, Абдужаббор Қаҳҳорий, Гулруҳсор, Лойиқ Шерали каби таниқли тожик шоирларининг ўзбек тилига ўгирилган шеър ва ҳикоялари ўрин олган. "Обшори меҳр" ("Меҳр туғёни") деб номланган тўпламга эса Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари йигирмадан зиёд ўзбек шоирининг шеърлари тожик тилида чоп этилган.

(ЎзА).

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС...

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" кўрик-танловининг вилоятимиз бўйича якуний босқичида Бўка туманидан Зафар Расулов ижро этган "Ҳаққим борми, сени Ватан дейишга?" қўшиғи биринчи ўрин ва биринчи мукофотга сазовор бўлди. Хонанда энди вилоятимиз номидан "Ўзбекистон — қўшиқлар байрами" республика кўрик-танловида қатнашади.

Шу муносабат билан мухбиримиз Бўка тумани маданият ишлари бўлими мудири Рустам ХУДОЙҚУЛОВ билан суҳбатлашди.

— Рустам Холбоевич, аввало, "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" танловининг вилоят босқичида хонанда Зафар Расулов ғолиб чиқиб, республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланмани қўлга киритганлиги сизни ҳам хурсанд қилган бўлса керак?

— Албатта. Туман марказлашган клублар тармоғининг "Дугоҳ" мақомчилар халқ дастаси бадиий раҳбари Зафаржон Расуловнинг ана шундай юксак мартабага сазовор бўлганлиги яна шуниси билан қувончлики, туманимиз вилоят кўрик-танловларида қаторасига уч марта биринчи ўринни эгаллаганлиги кимни ҳам қувонтирмайди, дейсиз.

— Хўш, бу "хет-трек"нинг, соддароқ қилиб айтганда, кетма-кет ғолибликнинг сири нимада?

— Бу оламда ҳеч нарса тасодифлар асосига қурилмайди, қурилмаган ҳам. Шуни инобатга оладиган бўлсак, Бўка азал-азалдан шоиру бахшилар, ҳофизлар, кўпдан-кўп санъат иҳлосмандларининг юрти бўлиб келган. Ана шу анъана давом этмоқда, холос. Айтайлик, таниқли бастакор Анор Назаров ҳамюртимиз эканлигидан биз бўкаликлар ҳамиша фахрланиб юрамиз. Ёки, ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзининг ширали овози билан ҳаммани лол қолдирган Бахтиёр Умиров, Орифжон Омоновлар ўз иқтидорлари билан кўплаб муҳлислар орттиришди.

Бу йилги ғолибимиз Зафаржонга келсак, мусиқамизнинг алломалари, мутахассислар унинг имкониятларига юксак баҳо беришмоқда. Шу ўринда қирқ ёшга ҳам кирмай ҳаётдан эрта кўз юмган Адҳамжон Хожиев ва Зоир Даминовларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини айтмасдан ўтолмайман. Вилоят кўрик-танловининг якунловчи босқичида учинчи ўрин соҳиби бўлган пскентлик Уйғун Товбоев ва олмаликлик Дилноза Исмияминовалар ҳам маданият саройимиз созандалари дастаси билан ижодий ҳамкорлик қилганликлари ҳеч кимга сир эмас.

— Сиз кўпдан буён маданият соҳасида хизмат қилиб келасиз. Ўзингиз ҳам бадиий ижод билан шуғулланасиз. Шеърларингиз, ҳикояларингиз, ҳажвияларингизнинг ўз муҳлислари бор, албатта. Республикамизда, қолаверса, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтаётган кўрик-танловларга муносабатингиз қандай?

— "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" танловларида илк бор ижро этилган қўшиқлар бугунги кунда нуфузли тадбир ва маросимларда, тўй-томошаларда ҳам янграй бошлади. Ватан ҳақидаги бундай қўшиқлар аллақачон халқимиз қалбидан жой олганлиги рост.

Халқ — ихтидор сарчашмаси

Энди бундай тадбирларнинг иккинчи томонига назар солайлик. Халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", деган ҳикматли нақл бор. Назаримда ҳаваскорлик дасталари, хонандаларимиз томонидан ижро этилаётган баъзи қўшиқ матнларини танлашда эътиборсизлик бўлаётганга ўхшайди. Баъзи ҳаваскор қўшиқчи укаларимиз ўзлари тўқиган ёки бошловчи шоирларнинг маза-матрасиз, бир-бирига қовушмайдиган сўзлар йиғиндисини санъат асари сифатида муҳлислар эътиборига ҳавола этишмоқда. Қолаверса, бундай шеърий матнлар халқ дидини ўтмаслаштиради, холос. Яна бир таклифим шуки, вилоят босқичида ижро этилган энг сара қўшиқлар матнлари мусиқа нуталари билан китобча ҳолида нашр этилса фойдадан холи бўлмасди.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маданият ишлари тизимига эътибор сусайиб бораётгандек таассурот қолдиради. Сизнингча маданият ишлари тизимида янгиланиш, олға силжиш жараёнлари рўй беряптими?

— Тўғри айтасиз. Янгиланиш жараёни сезилмаяпти, десам янглишмаган бўламан. Айтайлик, жойлардаги туман маданият ишлари бўлими таркибида мустақил кутубхоналар, клублар, мусиқа мактаблари тармоқлари бўлиб, улар ҳам ўз раҳбарлари, муҳрларига эга. Худди Крилов бобонинг масалига ўхшаб, ҳар ким аравани ҳар томонга торта бошлайди, натижада арава жойидан қўзғалмайди. Хўш, энди айтингчи, битта ташкилотга тўртта раҳбар кўплик қилмайдими?

Айниқса, молия бўлимлари кутубхоналар ва клублар фаолиятидаги сусткашликларни баҳона қилиб, уларни имкони борича қисқартириш пайига тушиб қолганликлари кишини ажаблантиради. Айрим сабабларга кўра кутубхоналарга ҳам, клубларга ҳам келадиган мухлисларнинг камлиги шундай йўл тутишга мажбур қилаётгандир. Ахир зўрма-зўраки "оммавий" китобхонлик қилиш керакмикан ўзи?

— Келинг, яна асосий мавзуга қайтайлик, айтингчи, жойларда ўтаётган қўшиқ байрамларидан ташқари яна қандай кўрик-танловлар ўтказилаётир? Уларда ҳам иштирок этяпсизларми?

— Кўрик-танловлар ҳақиқатдан ҳам жуда кўпайиб кетаётгани рост (кўз тегмасин). Буни мен Президентимизнинг маданият, маърифат масалаларига жиддий эътибор бераётганликлари туфайли амалга оширилаяпти, деб ўйлайман. Бундай тадбирларга юртимиз фаровон ва элимиз тўкин яшаётгани белгиси сифатида қарайман. Кўнглимизга қўшиқ сиғаётган экан, яратганга шукроналар айтамиз. Аввало, бундай кўрик-танловларнинг асосий юки маданият ишлари бўлими ходимлари зиммасига юкланади. Масалан, "Энг намунали оила", "Энг ибратли келинчак", "Энг яхши ҳамшира", "Энг яхши тадбиркор"... Энг... энг... энг... ва ҳоказо.

Бундай тадбирлар саҳна асарларисиз мусиқа ва қўшиқсиз ўтмайди, албатта. Барча тайёргарлик ишлари саройимизда ўтади. Демак бундай кўрик-танловларга биз ҳам масъулмиз.

Шу ўринда таниқли бахшимиз Чори Хўжамбердиевнинг "Алпомиш" достонининг катта тўйи ўтказилиши муносабати билан бахши шоирлар вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатимизда ўтадиган танловнинг ягона йўлланмасини олганлигини мамнуният билан эслагим келади. Шунингдек, эл севган бастакорлар, Ўзбекистон халқ ҳофизлари О. Ҳотамов ва Э. Лутфуллаев асарлари ижрочиларининг вилоят кўрик-танловида бўкалик ёш хонанда Умрзоқ Чўлиев фахрли учинчи ўринни олиб, мамлакат кўрик-танловида қатнашиш бахтига мушарраф бўлди. Келгусида ҳам бошқа кўплаб кўрик-танловларда иштирок этишни режалаштириб қўйганмиз. Ҳозирча бу режаларимиз сир бўлақолсин.

Шавкат ТУРОБ суҳбатлашди.

БУ — АВТОМОБИЛСОЗЛИК ҲАҚИДА

➡ "Фолксваген"нинг Мексика филиали "Қўнғиз" русумли автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришга киришди. "Нью Битл" ("Янги Қўнғиз") деб номланган мазкур машина Мексиканинг Пуэбла шаҳрида яратилмоқда.

Немислар бу лойиҳа учун 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди. "Янги Қўнғиз"нинг барча қисмлари Мексиканинг ўзида чиқарилмоқда. Янги автомобил дизайн жиҳатидан эскисидан фарқ қилади. Унинг узунлиги 4,09 метр, баландлиги эса 1,51 метрга тенг. Нархи 15,2 минг АҚШ доллари миқдорида.

Бутун дунёда "Қўнғиз" деб танилган бу мўъжаз автомобил илк бор 1938 йили Германия кўчаларида пайдо бўлган эди. Ўтган олтмиш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 21,3 миллион дона "Қўнғиз" сотилган.

➡ АҚШнинг Нью Йорк штатида шаҳар атроф муҳитини яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда, штат губернатори Жорж Патаки "Форд мотор" компанияси билан ҳамкорликда шаҳарда қатновчи автомобилларни табиий газга мослаштириш ташаббуси билан чиқди.

2000 йилдан бошлаб шаҳарнинг 600 та такси хизматида бўлган енгил автомобиллари табиий газга мослаштирилади. Маълумки, газ нефт ёқилғисидан кўра ҳавони камроқ зарарлантиради.

(ЎзА).

НАВБАТ ЧОРАК ФИНАЛГА

FRANCE 98

ИККИ КУН давомида Франциядан ҳар кунгидек биз мириқиб томоша қилаётган футбол ўйинлари намойиш этилмагач, одам худди бир нарсани йўқотиб қўйгандек бўларкан. Ҳар куни кечқурун ярим тунгача телевизорга тикилиб, бир-биридан чиройли ўйинларни кўриш жозибаси шунақа хумор қилиб туради.

Тўғри, гуруҳлардаги нимчорак саралаш ўйинлари ниҳоясига етди. Командалар енгилгина дам олиб, мана бугун яна сизу бизни хушнуд этгани ойнаи жаҳонга маҳтал қилиб қўяди. Эндиги "жанг"лар чинакамига ҳаёт-мамот учун кураш бўлиб, ҳар бир терма жамоа ўзининг нималарга қодир эканлигини бутун борлиғи билан намойиш этишга интилади. Буёғи энди жаҳон чемпионатининг энг нуфузли совринлари сари бир қадам деган гап.

Ниҳоятда қийинчилик билан чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Италия ва Франция терма жамоаларининг бугунги беллашуви ростмана сўник вулқоннинг шиддат билан отилишидан дарак берадигандек.

Бразилия ва Дания терма жамоаларининг кураши Жанубий Америка ҳамда Оврупо вакилларининг нималарга қодир эканлигини ошкора этадиган ғоят қизиқарли ўйин бўлиши табиий. Қисқаси, бу ёқда енг шимариб турган Голландия ҳам, Аргентина, Олмония, Хорватия терма жамоалари ҳам чемпионликни дилга жо қилганча тўп суриш иштиёқида гижинглаган тойчадек бўлиб туришибди.

Сиз, азиз футбол мухлислари эса яна бир ҳафта давомида ХХ асрнинг сўнгги жаҳон чемпионатида ким ғолиб чиқар экан, деган саволга жавоб излаганча, жаҳон биринчилиги якунланганини беихтиёр сезмай ҳам қоласиз. Сабр билан кутамиз, қани ким шохсупанинг энг юқорисидан жой олар экан?!

М. МИРАЛИЕВ.

ЧЕМПИОНАТНИНГ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ

Об-хаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 4-8 июль кунлари об-ҳаво мўътадил келади. Ҳаво ҳарорати кечалари 18-23, кундуз кунлари 33-38 даража атрофида иссиқ бўлади. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, ҳарорат бироз кўтарилади. Кечалари 20-25, кундуз кунлари эса, 37-42 даражага етади.

Шаҳар транспорти тасарруфи бўйича ҳаражатлар, йўловчилар ташиш таннархининг ошиши ва "Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмасининг 29.06.1998 йилдаги 219-сонли буйруғига биноан 1998 йил 1 июлдан шаҳар транспортида юриш учун ойлик йўл чипталарининг қуйидаги нархи ўрнатилди:

Тури	Нархи
"M" — барча аҳоли учун (метро, автобус, трамвай, троллейбус)	2 400 сўм
"A" — барча аҳоли учун (автобус, трамвай, троллейбус)	1 500 сўм
"A" — корхона ва ташкилотлар учун (автобус, трамвай, троллейбус)	1 800 сўм
"N" — нафақахўрлар ва ногиронлар учун (автобус, трамвай, троллейбус)	705 сўм
"T" — институт ва техникум талабалари учун (автобус, трамвай, троллейбус)	495 сўм
"O" — билим юрти ва мактаб ўқувчилари учун (автобус, трамвай, троллейбус)	405 сўм
"AVTOBUS" — барча аҳоли учун (фақат автобус)	1 200 сўм

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "Муборак" кичик корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида 46-95-75 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"Агростройкомплекс" жамоа корхонасига қарашли Бекобод туманидаги 10-сонли туманлараро кўчма механизациялашган колонна жамоаси корхона раҳбари Одилжон Абдукабировга падари бузруквори

Собиржон ота АБДУКАБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Тошкент почтаси" акциядорлик жамиятининг Янгибозор жамоаси жамиятнинг филиали бошлиғи Назира Раҳматовага падари бузруквори

Раҳматжон ота АШИРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –19.00. 1 2 3 4 5 6